2003 YIL 25 DEKABR, PAYSHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№154 (6.679). Sotuvda erkin narxda

**БУГУНГИ СОНДА**

**ҲАҚ ЖОЙИДА ҚАРОР ТОПСИН** (1-2-саҳифаларда)



**ОГОҲЛИК** (2-саҳифада)

**ЙЎЛДОШЛАРИ СИДҚ ВА ЭЪТИҚОД** (1-4-саҳифаларда)

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунининг Хоразм вилоятида ҳамда «Нотариат тўғрисида»ги қонунининг Фарғона вилоятида бажарилиши муҳокама қилинди.

● Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бошқарувининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жорий йил якунлари муҳокама этилиб, 2004 йил - Меҳр-мурувват йилида амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинди.

● «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасида АҚШнинг «Амери Керс» ҳамда Германиянинг «Фриденсдорф Интернешнл» халқаро хайрия ташкилотлари томонидан келтирилган мурувват ёрдамларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

● Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида паррандачилик саноатини ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар бошланди. У Россиянинг «Птичное» парранда наслчилиги заводи билан ҳамкорликда ташкил этилди.

● Тошкент Давлат аграр университетида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзқишлоқхўжаликкимё» компанияси ҳамкорлигида ўсимликлар ҳимоясига бағишланган ўқув семинари бошланди.

● Самарқанд Давлат университетида Республика «Маънавият ва марифат» маркази билан хамкорликда «Замон, ислоҳот ва маънавий-маърифий тарбия» мавзуида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

● «Ўзбеккино» давлат акционерлик компаниясининг ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар студиясида Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллигига бағишланган «Шарафли йўл» деб номланган янги фильм яратилди.

● Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетидаги тасвирий ва амалий санъат музейида болалар ижоди намуналари кўргазмаси ташкил этилди.

● Швейцариянинг Ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги ташаббуси билан Камолиддин Беҳзод номидаги Бухоро вилоят санъат музейида «Ҳудуд» мавзуида кўргазма очилди.

## СУРХОН НЕЪМАТЛАРИ – ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА





**ТУҲФА**

***Деҳқоннинг тантилиги, сахийлиги яна бир бор намоён бўлмоқда.***

Пойтахтимиздаги Чилонзор деҳқон бозорида Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Жарқўрғон, Олтинсой, Денов, Термиз, Бандихон, Қизириқ ва Шеробод туманларидан келтирилган 45 турдаги маҳсулотлар арзон нархларда пештахталарга қўйилган.

-Жами 295 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари олиб келишни мўлжаллаганмиз, - дейди "Сурхонматлуботсавдо" ҳиссадорлик жамияти раисининг ўринбосари Баҳриддин Шамсиев. – Бугунгача 200 тоннадан ортиқ маҳсулот келтирдик. Бозорда барча шароитлар яратилган. Харидорларнинг кўплигини кўриб, очиғи, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Нархлар ҳам шаҳар бозорларидагидан икки баравар арзон. Ярмаркага ўнга яқин фермерлар, элликдан ошиқ ширкат хўжаликлари, эллик учта матлубот савдо тайёрлов ташкилотлари жалб этилган.

-Тошкентга келганимизга эндигина беш кун бўлди. 3 тоннадан ошиқроқ маҳсулот келтирган эдик. Машинамиз дарров бўшаб қолди. Савдонинг бунақа зўр бўлишини, очиғи, кутмаган эдим. Сурхондарёга телефон қилдик. Яна маҳсулот келадиган бўлди, - дейди Олтинсой туман "Хўжасоатсавдо" ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти ходими Муҳиддин Пардаев.

Дарҳақиқат, раста олдида харидорлар кўп. Кимдир картошка, кимдир пиёз олаяпти. Бу сархил маҳсулотлар хонадонларга етиб боргач, опахону онахонларимизни янада суюнтиради. Уй бекалари эса Янги йил дастурхонини обод қилган сурхондарёлик деҳқонларни алқаса, уларнинг ҳақига дуо қилса, не ажаб.

Ярмарка шу йилнинг 31 декабригача давом этади.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

***

**СУРАТЛАРДА: қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркасидан лавҳалар.**
Б.АКРАМОВ олган суратлар.





## ИНСОН ТАҚДИРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

***Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармони инсонпарварлик ва бағрикенгликнинг ёрқин ифодасидир.***

Ушбу фармонга мувофиқ, 1200 нафардан зиёд жиззахлик маҳкум муддатидан илгари озодликка чиқиши кутилмоқда. Уларнинг бир қисми шу кунларда ўз оиласи бағрига қайтди.

Бундай кишиларга жамиятдаги мавқеини тиклаши, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун имкон қадар кўмак бериш лозим. Мамлакатимиз раҳбарининг номи зикр этилган Фармонида бу алоҳида таъкидланган.

Жиззах вилоят ички ишлар бошқармасида бўлиб ўтган йиғилиш ана шу ҳужжатнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалаларга бағишланди. Маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоатчилик вакиллари, кўникма маркази раҳбарлари иштирокида ўтган йиғилишда бу борада бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

**Тошқул БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## МЕҲНАТ ВА РАҒБАТ

***ТОШКЕНТ (Дилноза Азимова, ЎзА). Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги тизимида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 февралда қабул қилган «Соғлом авлод» давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Жумладан, мазкур Қарор ижросини таъминлаш ишига алоҳида ҳисса қўшаётган ходимларни ҳар томонлама рағбатлантириб бориш яхши анъанага айланган.***

Мазкур вазирликда ана шундай фаол ходимлар билан учрашув бўлиб ўтди. Маданият ишлари вазири Б.Қурбонов бошқарган тадбирда ёшларни Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида, комил инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги маданий-маърифий ишларни янада жонлантириш лозимлиги таъкидланди.

Тадбирда соҳанинг бир гуруҳ илғор вакиллари - Тошкент шаҳридаги «Ором» боғча-мактаб мажмуи раҳбари Г.Қўчқорова, Республика давлат болалар кутубхонаси директори Ф.Бухорова ва Сурхондарё вилояти Узун туманидаги болалар мусиқа санъат мактаби директори А.Сатторовга вазирликнинг махсус мукофотлари топширилди.

**СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?**

## БИР ПАРЧА НОН РОҲАТИ

***Ўзини Бобоқул дея таништирган йигит бошидан ўтган бир воқеани сўзлаб берди.***

Бобоқулни маҳалладош йигитлардан бири ишлагани Россияга элтар бўлди. Ойига 200 доллар ваъда қилди. Ишсиз юришдан зериккан Бобоқул ўзига таниш 3-4 йигит ҳам шерик бўлишидан хабар топгач, олис сафарга ҳозирланди. Узоқ йўл босиб Москва вилояти шаҳарчаларидан бирига етиб боришди.

-У ерда зах гаражда ётиб-туриб қурилишда ишладик, - дейди Бобоқул. – Бетон қуйдик. Аммо меҳнатимиз қадрланмас, уч-тўрт кунлаб оч-наҳор қолган пайтларимиз бўлар эди.

Шу зайлда бир ойдан зиёд вақт ўтди. Олтовлон 4 минг метр квадрат жойга бетон қуйдик. Иш ҳақидан эса дарак йўқ эди. Вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги ваъда ҳам ваъдалигича қолди. Уйга қайтган маъқул, деган фикрга келдик. Бухородан йўлга чиқар маҳал керак бўлиб қолади, деб кўпроқ пул олгандим. Райим исмли йигит ҳам мен билан ортга қайтар бўлди. Паспортимизни воситачи ноинсофдан олдигу йўлга тушдик. Астрахангача келдик. Аммо бу ёғига йўл харажатига пул керак эди.

Иложсиз қолган Бобоқул шериги билан бу ерда ҳам бир кишининг уйида уч ҳафта ишлашди. Бахтга қарши, ҳовли эгасида ҳам тариқча инсоф йўқ экан. Арзимас хизмат ҳақи бериб, кўзини лўқ этиб тураверди.

-Иложсиз қолгач, Бухорога қўнғироқ қилиб, бизга почта орқали пул жўнатишларини сўрадик, - дейди хижолат чеккан қўйи Бобоқул. – Қўлимизга пул теккан заҳоти йўлга тушдик.

-Бу йигитлар-ку ёр-биродарлари бағрига эсон-омон қайтишибди, - дейди Бухоро шаҳридаги "Ёшлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Воҳид Қурбонов. – Маҳалламиздан совуқ ўлкаларга ишлагани кетган навқирон икки йигитнинг жасади келди. Эсласам, ҳалиҳануз юрагим зирқирайди.

Дарвоқе, Воҳид акани молия бўлимига қўнғироқ қилиб турган ҳолатда учратгандик. Маълум бўлишича, маҳаллада яшовчи бир аёл болалари билан ўта ночор аҳволда қолибди. Афсуски, аёлнинг ҳам эри чет давлатга ишлагани кетган ва бир йилдирки, ҳамон домдараксиз. Тўғри, маҳалла ўша аёлга ёрдам қўлини чўзаяпти. Лекин... Беихтиёр Бобоқулнинг биз билан хайрлашаётиб айтган сўзларини эслаймиз: "Ота-боболаримиз "Бир парча нон – роҳати жон" деб бежиз айтишмаган экан"...

Олис юртда сарсон-саргардон бўлган йигитнинг бу сўзларидан ҳар ернинг ўз тошу торозиси борлигини англаш қийин эмас.

**Истам ИБРОҲИМОВ**

## МАСЪУЛИЯТ ЮКИ

***Шарқнинг улуғ мутафаккири Абу Носир Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри" деган асарини кўпчилик зиёлилар мутолаа қилган, албатта. Асарнинг асрлар оша муҳим манба бўлиб келаётганининг сабаби шундаки, қадимиятдан то бугунга қадар адолатли жамият барпо қилишнинг барча жиҳатлари, халқни бошқаришнинг ҳеч қачон эскирмайдиган усуллари, раҳбарликнинг етук фазилати нималардан иборат бўлишлиги унда чуқур таҳлил ва талқин қилинган.***

Назаримизда, Шарқ давлатчилиги мукаммаллигининг теран томирлари асослаб ўтилган ана шу китобдан бугун ҳар қайси раҳбар, айниқса, амал курсисига ўтираётган ёшларимиз, бўлажак кадрлар ўқиб, ўрганишлари фойдадан холи бўлмайди...

Ана шу фикрлар хаёлимиздан ўтар экан, Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз бугунги раҳбар қандай одам бўлиши керак, қандай фазилатларни у ўзида мужассамлаштирмоғи лозимлигига асосий эътиборни қаратганликлари ҳам бежиз эмас.

Дарҳақиқат, нутқда таъкидланганидек, ҳар қандай раҳбар учун энг аввало ишнинг негизини англаб фаолият юритиш муҳим хислатдир. Ишнинг кўзини билган одам эса адашмайди. Бунинг учун раҳбарнинг ўзида ташаббус бўлиши керак. Мавжуд вазиятни таҳлил қилиб, минтақа ва ҳудуддаги вазиятдан келиб чиқиб чора-тадбир ишлаб чиқиш лозим. Ҳадеб юқоридан кўрсатма кутиб ўтираверишш ярамайди. Жойлардаги муҳит бошқалардан кўра кўпроқ ўша ерда яшаётган мутасаддига аён. Шунинг учун ҳам ташкилотчилик, ишбилармонлик ҳар қандай бошлиқнинг таянч нуқтаси бўлиши жоиз. Шундагина одамлар раҳбарнинг куч-қудратига ишонишади, унинг ортидан эргашадилар. Шундагина ҳар қандай катта-кичик раҳбар одамлар руҳиятида кўтаринкилик пайдо қилади, уларни азми-шижоат билан ишлашга ундайди. Руҳиятига ташаббускорликни сингдиради.

Давлатимиз раҳбари лавозим эгаларининг руҳий олами кенг бўлиши, раҳбарлик гўзал санъат эканлигини, ишни кўнгилдагидай олиб бориши учун инсонга маънавият, маърифат қанот бўлишини нозик ифодалар, ҳаётий мисоллар билан тушунтириб ўтди.

Сир эмас, бугун айрим раҳбарларнинг фақат ўз курсисини ўйлаб яшаши, шундан айрилсам тамом, ҳаётмамотимдан ажраламан, деган ўта нолойиқ ўй-фикр хаёлини зимистон этгани ҳам бор гап. Ишқилиб мансабда турса бас, оромини ҳеч ким бузмаса кифоя. Эҳ, биродар, кўзингизни каттароқ очиб қаранг, ён-верингизда нималар бўлаяпти, десангиз, худди биров гўёки унинг учун ўрнини тортиб олаётгандай туюлади. Ҳар ким имконияти, қуввати, шаҳди-шижоати даражасида

**НИГОҲ**

ишлайди. Шунга қараб эл орасида обрў-топади. Раҳбарлик яхши, ҳавас қиламиз, лекин унинг юкини кўтариш осон эмас. Раҳбарлик оёғи ердан узилиш, ҳаволаниш дегани эмас, мушоҳадалик билан фикр юритиш, вазминлик дегани.

Яқинда кўпни кўрган устозларимиздан бири куйиниб бир воқеани гапириб бердилар. "Менинг бир дўстим бор, - дейди у киши. – Яхши-ёмон кунимиз бирга ўтди. Оддий хонадон фарзанди. Талабалик йилларимиз бирга кечди. Кунора борди-келдимиз бор эди. Унинг уч йил олдин иши ўзгарди. Ишқилиб, раҳбарлар сирасига кирди. Ўртамиздаги ришта негадир ўз-ўзидан тортилиб, охирги иккинчи йилда узилгандай бўлди. Қўнғироқ ҳам қилмай қўйди. Ҳадеб ўзим йўқлайверсам, ноқулай. Иши кўпдир, раҳбар бўлиш осонмас, деб ўйладим. Орадан шунча вақт ўтиб куни кеча тасодифан учрашдик. Тадбир баҳона дастурхон атрофида йиғилдик. Мутлоқ ўзгарибди. Қадам олиши, ўзини тутиши, гап-сўзи бошқача. Боши осмонда. Димоғи фалакни ёради. Атрофида хушомадгўйлар. Ҳаммаси гапига махтал бўлиб қўл қовуштириб туришибди. Ярим соатлар чамаси суҳбатлашдик ҳамки, ундан тузукроқ гап эшитмадим, фақат ўзини мақтайди, мошина, данғиллама ҳовли, маишатга мавзуни буради. У худди шу пайтгача билмагандай оладиган маошим, туриш-турмушим билан қизиқиб, қош кериб қўйди. Асабим қўзиди.

-Кеча Самарқанддаги сессияни кўрдингми? – дедим.

У кутмаган эди, анграйиб қолди.

-Кўрдим. Нима эди?

-Йўқ, кўрмабсан. Президентимиз нима деганини ҳам эшитмабсан, эшитган бўлсанг ҳам тушунмабсан, ошнам. Бу ёмон. Мен сенга бир гап айтай: кузатганмисан, буғдой қанчалик бўлиқ бўлиб бошоқ чиқарса, шунчалар ерга эгилади, таъзим қилади. Кўрганмисан, раҳбаримиз ҳам халқ орасида, айниқса, вилоятларда кексалар даврасида, омма ичида қўлини кўксига қўйиб доимо таъзим қилиб туради. Атрофингдаги хушомадгўйларга ишонма...

Даврадан чиқиб кетдим".

Устозимнинг бу сўзларини тинглаб, мен ҳам ўйга толдим.

Сессияда эл-юрт ҳаёти билан ҳамоҳанг яшаб, ишлаш раҳбар учун яна бир мезон эканлиги айтилди. Раҳбар нафақат ўзини, балки бошқаларни ҳам ўйлаб, жон куйдириши керак. Кўпнинг нигоҳи – ўт. Кўпнинг дуоси кўл. Шунингдек, раҳбар яхши кадрларга ҳам эътибор қаратиши лозим. Яъни, Президент таъбири билан айтганда, **"Яхши кадрларни асрайдиган раҳбар аввало ўзини асрайди, муҳитнинг доимо барқарор бўлиб қолишига хизмат қилади..."**

Ўзини ўйлайдиган раҳбар маҳаллийчилик, ошна-оғайничиликка, ўзига шахсий садоқат кўрсатадиганларни амалга ўтказишдек номақбул кайфиятга берилади. Бу ҳолат эса ўз-ўзидан ислоҳотларимизга тўсқинлик қилади ва раҳбарнинг эл олдида тили қисиқ бўлиб қолади.

Мақоламиз бошида бекорга улуғ аллома Форобийдан мисол келтирмадик. Давлатчилигимиз асосини бугун ҳам минг йиллик синовлардан ўтган маънавий-маърифий тушунчалар ташкил этаётганини англасак бас. Давлатимиз раҳбарининг маърузалари замирида ҳам шундай фикр мужассам.

**Қўчқор НОРҚОБИЛ**

## ИНСОН ҚАДРИ

### ёки Илҳом Дадаматов нега вазифасидан озод қилинди?

***Халқимизда: "Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман" деган нақл бор. Чунки инсон азиз. Унинг нафақат қилган меҳнати, қадри, шаъни ҳам азиз.***

**ТААССУФ**

Илҳом Дадаматов ҳам бугун ноҳақлик жабридан юраги зада бўлган. Бир ойдирки, "Нега? Нима учун?" деган саволларга жавоб тополмай қийналади. Уйига киради, кўчага чиқади, кўнгли ҳаловат топмайди.

Оиласидагиларга, яқин қариндошларига ишдан бўшатилганини билдирмасликка ҳаракат қилади. Ахир бунинг сабабини уларга қандай тушунтиради? Жўяли бир айби бўлмаса.

Ўзига таскин беришга ҳаракат қилади. Балки бу бир англашилмовчиликдир. Зора ҳақ жойида қарор топиб, ўз вазифасига қайта тикланса, ўзига қадрли бўлиб қолган жамоаси бағрига қайтса. Адолатнинг қарор топишидан, ҳақиқатнинг юзага чиқишидан умиди бор.

Аслида воқеа бундай бўлган эди.

Маълумки, мамлакатимиз истиқлолга эришгач, халқ хўжалигининг қон томирлари ҳисобланган йўлларга алоҳида эътибор берила бошланди. Эски йўллар замонавий талаблар даражасида қайта таъмирланди, янги-янги йўллар қурилди.

(Давоми 2-бетда)

Сиз «ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» газетасига 2004 йил учун обуна бўлдингизми?

Газетанинг нашр кўрсаткичи - 144

## ДИЛДАГИ ГАПЛАР

***Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясида қилган чиқишида Президентимиз мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тизимини ривожлантириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратди.***

**МУНОСАБАТ**

"Шуни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарурки, қишлоқ хўжалиги билан ҳар куни шуғулланиш керак, - деди Юртбошимиз. - Қишлоқ ҳаётида учрайдиган катта ёки кичик масала бўладими, даромад ёки буромад бўладими, уларнинг ичига кириб бориш даркор. Ва бу иш мавсумий тадбирларни эмас, кескин ва қатъий чоралар кўришни талаб этади". Қишлоқ хўжалигига устувор эътибор бериш масаласи Президентимиз томонидан халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши сессиясида ҳам алоҳида таъкидланди. Бу ҳар иккала сессиялардаги Юртбошимизнинг чиқишлари турли соҳа кишилари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олингани ҳам бежиз эмас. Биз ҳам бир гуруҳ фермер ва ижарачи деҳқонларнинг бу хусусдаги фикрлари билан қизиқдик.

(Давоми 3-бетда)

**ЭЪТИРОФ**

## ИСТЕЪДОДНИНГ КАШФ ЭТИЛИШИ

***Мадраҳим ҳали ёшгина ўспирин эди. Бироқ санъатга бўлган меҳри ва қизиқиши боис қисқа фурсатда устозлари эътиборига тушди.***

Бир гал қадим Хиванинг Ичонқалъасида соз ижросидаги қўшиқ куйлаш қизиди. Шунда устозлари илк бор унга халқ орасида дутор тутқазди. Мадраҳим тортинқираса-да, ҳар нечук журъат топиб куйлай бошлади:

**Ҳар гадо эгнида бўлса эски тўн ё чоки жайб**
**Билмай асли ниятин қилмоқ ғалат-дур шакку райб...**

У куйлаётган сувора шу тахлит бошланди. Сўнгра бироз ўтиб қўшиқ қўшиққа уланди. Халқ эса ўспирин ҳофизни олқишларди:

-Яша, ҳофиз...

-Шерозий папоқли бола қўшиқни зўр айтаркан...

(Давоми 4-бетда)

## СИДҚУ САФО СИРИ

***Алишер Навоий асарларида тасаввуф истилоҳларининг қўлланилиши шоирнинг рамзий ифодалаш усули билан боғлиқдир. Буни кўп ўринда кузатиш мумкин. Айрим тушунчалар талқини ҳам тасаввуфий, ҳам умуминсоний, дунёвий мақсад ва қарашларнинг ифодасини кўрсатиб туради. Жумладан, СИДҚ тушунчаси.***

**МУТОЛАА**

Хўш, сидқ нима? Аввало, ҳазрат Алишер Навоийнинг баъзи сатрларини кўздан кечирайлик:

**Сидқ ичра қачонки чиқса оти эрнинг,**
**Фош ўлса садоқатда сифоти эрнинг.**
**Хушроқки тавил ўлса ҳаёти эрнинг**
**Ким, сидқдин-ўқ дурур нажоти эрнинг.**

Бу сатрлар улуғ шоирнинг ахлоқий қарашларини ифодалайдиган "Назмул-жавоҳир" асаридан олинган. Ҳазрати Имом Алига нисбат берилган "Насрул-лаолий"ни назмга солиш хаёлини банд қилиб юрган Навоий Хусайн Бойқаронинг "Рисола"сига жавобан шу асарини ёзади.

(Давоми 4-бетда)

**ҲИКМАТ**

*Одам тили билан ҳайвондан устун, аммо тилдан ножоиз фойдаланса, ҳайвондан баттар!*

**САЪДИЙ**

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ҲОТАМТОЙЛИК КИМНИНГ ҲИСОБИДАН?

БОТИР БУТКА

"ҲУНАРИ" ХОР ҚИЛДИ

